

“ТАСДИҚЛАНГАН”

*“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг
йиллик умумий йиғилиши
2021 йил 29 июндаги қарори билан*

*“Ўзтрансгаз” АЖ акциядорларининг
2021 йил 29 июндаги йиллик умумий
йиғилиши баённомасига 15-илова*

**“ЎЗТРАНСГАЗ” АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИНИНГ АХБОРОТ СИЁСАТИ
ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Тошкент-2021

Мундарижа:

1. Умумий қоидалар;
2. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари;
3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий равишда ошкор қилиниши керак бўлган ахборотлар рўйхати, уларни ошкор қилиш шартлари ва тартиби;
4. Қўшимча ахборотларнинг рўйхати ва ошкор қилиш тартиби;
5. Бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслар, Жамият ходимлари ўртасида манфаатдор шахслар билан ахборот алмашиш тартиби;
6. Жамиятнинг ахборот сиёсатига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш чоралари;
7. Яқуний қоидалар.

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2383) ва 2015 йил 31 декабрдаги Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссиянинг 9-сонли йиғилиш баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодексига (2016 йил 11 февралда 02-02/1-187 рақам билан рўйхатга олинган) мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом мажбурий равишда ошқор қилиниши керак бўлган ахборотлар ва ҳужжатлар рўйхатини белгилайди, шунингдек уларни “Ўзтрансгаз” АЖга (кейинги ўринларда – Жамият) тақдим этиш тартиби ва муддатларини тартибга солади.

1.2. Ахборот сиёсатининг мақсади акциядорлар, инвесторлар, қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва бошқа манфаатдор шахсларнинг (кейинги ўринларда – манфаатдор шахслар) Жамият ва унинг фаолияти тўғрисидаги ишончли ахборотларга бўлган эҳтиёжларини қондириш орқали Жамият фаолиятининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашдир.

1.3. Ахборот сиёсати манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга, уларнинг инвестицион ва бошқарув қарорлари учун муҳим бўлган Жамият ва унинг фаолияти тўғрисида ишончли ахборотларни олишга, шунингдек Жамият тўғрисидаги махфий ахборотларни муҳофаза қилишга йўналтирилган.

1.4. Ахборотни махфий ва тижорат сирига киритиш тартиби, шунингдек ушбу ахборотлардан фойдаланиш шартлари Жамият томонидан унинг тармоқ хусусиятлари ва фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ белгиланади..

2. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари

2.1. Ахборот сиёсатининг асосий тамойиллари мунтазамлик, тезкорлик, очиклик, тўлиқлик, тенг ҳуқуқлилик, мувозанатлилик, ахборот ресурсларининг ҳимояланганлиги саналади.

2.2. Мунтазамлик тамойили Жамиятнинг манфаатдор шахсларни доимий равишда Жамият тўғрисида ахборот билан таъминлашига йўналтирилган.

2.3. Тезкорлик тамойили Жамият манфаатдор шахсларни Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатадиган, шунингдек уларнинг манфаатларига алоқадор муҳим воқеалар ва фактлар тўғрисида қисқа вақт ичида хабардор қилишини англатади.

2.4. Ахборотнинг очиклик тамойили Жамият ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотларни тарқатиш каналлари ва усулларидан фойдаланишини, бу эса манфаатдор шахсларнинг ошкор қилинган ахборотлардан эркин, тўсиқсиз ва танловсиз фойдаланиши таъминланишини англатади.

2.5. Тўлиқлик тамойили Жамият барча манфаатдор шахсларга Жамият ва унинг фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга имкон берадиган ҳажмда асл воқеликка мос келувчи ахборотларни тақдим этишини англатади.

2.6. Тенг ҳуқуқлилик тамойили Жамият томонидан барча манфаатдор шахсларга Жамият фаолиятига оид ахборот олиш ва улардан фойдаланиш бўйича тенг ҳуқуқлар берилишини англатади.

2.7. Мувозанатлилилик тамойили Жамият фаолиятининг очиклиги ва шаффофлиги ҳамда унинг тижорат манфаатларини таъминлаш ўртасидаги оқилона мувозанатга риоя қилишни таъминлайди. Бунинг мажбурий шартлари эса қуйидагилар саналади:

- махфий ахборотларни муҳофаза қилиш;
- қонунчиликда белгиланган инсайдер ахборотларини тарқатиш ва улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш.

2.8. Ҳимояланганлик тамойили тижорат ёки бошқа сир ёхуд махфий ахборот бўлган ахборотларни муҳофаза қилишнинг қонуний усуллари ва воситаларидан фойдаланишни назарда тутди.

3. Қонунчиликка мувофиқ мажбурий равишда ошкор қилиниши керак бўлган ахборотлар рўйхати, уларни ошкор қилиш муддатлари ва тартиби

3.1. Жамият мажбурий равишда ошкор қилиниши керак бўлган ахборотларни Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ва “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2383) ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳажмларда, муддатларда ва усулларда ошкор қилади.

3.2. Ахборотни мажбурий равишда ошкор қилиш қуйидагилар орқали амалга оширилади:

Корпоратив ахборот ягона порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайти);

Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида (www.uztransgaz.uz);

“Тошкент” республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz);

оммавий ахборот воситаларида.

3.3. Жамиятнинг расмий веб-сайтида, республика фонд биржасида ва қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида мажбурий равишда ошкор қилиниши керак бўлган ахборотларни ўз ичига олган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

– қимматли қоғозлар эмиссияси проспекти (қимматли қоғозлар оммавий жойлаштирилган тақдирда);

– Жамиятнинг йиллик ҳисоботи;

– биринчи чорак, биринчи ярим йиллик ва тўққиз ой якунлари бўйича Жамиятнинг ҳисоботи;

– Жамият фаолиятидаги муҳим факт тўғрисида хабарнома.

Жамият юқоридаги ахборотларни Қимматли қоғозлар бозорида ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларида белгиланган муддатларда, тартибда ва шаклда ошкор қилади (Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 2383).

3.4. Жамиятнинг расмий веб-сайти (www.uztransgaz.uz) мавжуд бўлиб, унда рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 июлдаги 176-сонли “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан белгилаб берилган ахборотлар ошкор қилинишини таъминлайди.

3.5. Оммавий ахборот воситаларида мажбурий равишда ошкор қилиниши керак бўлган ахборотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

– акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида хабарнома;

– Жамиятнинг жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзилидаги ўзгаришлар тўғрисида хабарлар;

– акцияларни ёки акцияларга конвертация қилинадиган эмиссион қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича устувор ҳуқуқга эга бўлган Жамият акциядорларига таклифлар;

– Жамият томонидан акцияларни қайта сотиб олиш тўғрисидаги ахборотлар;

– Жамиятни тугатиш, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талаблар эълон қилиниши тартиби ва муддати тўғрисидаги ахборотлар.

4. Қўшимча ахборотларнинг рўйхати ва ошкор қилиш тартиби

4.1. Жамият ўз веб-сайтнинг манфаатдор шахслар учун қулай бўлган инглиз, рус ва бошқа тиллардаги версиясини яратиш, уларга давлат тилида мавжуд бўлган барча ахборотларни тегишли тилга таржима билан жойлаштирган ҳолда такомиллаштирилишини таъминлайди.

4.2. Жамият ўзининг расмий веб-сайтида қуйидаги қўшимча ахборотларни ошкор қилади:

- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларини бажариш ва унга риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш тўғрисида;
- ижроия органи, шу жумладан Жамиятда ишлаш даври ва ушбу давр учун фаолият самарадорлигини баҳолаш тўғрисида;
- Жамият устав капиталининг тузилиши (улуши 20 фоиздан ортиқ бўлган акциядорлар);
- таклиф қилинаётган соф фойдани тақсимлаш асослари, дивидендлар миқдори, уларнинг Жамият томонидан қабул қилинган дивиденд сийёсатига мувофиқлигини баҳолаш, шунингдек, заруратга кўра, соф фойданинг муайян қисмини Жамиятни ривожлантириш эҳтиёжлари учун йўналтириш ҳажми бўйича тушунтиришлар ва иқтисодий асослар;
- хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдамни тақдим этиш (олиш) ва қарорларни қабул қилиш тартиби ва шартлари тўғрисида, шунингдек ҳақиқатда кўрсатилган (олинган) хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам тўғрисида;
- корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари тўғрисида.

4.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан икки ҳафтадан кечиктирмай йиллик молиявий ҳисобот Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказилгандан сўнг, Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган ҳолда эълон қилинади.

4.4. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши кузатув кенгаши ва ижроия органини мукофотлаш ва уларга компенсация тўлаш миқдори тўғрисидаги ахборотларни ошкор қилади.

5. Жамиятнинг бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимларининг манфаатдор шахслар билан ахборот алмашиш тартиби

5.1. Жамиятнинг бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслари, ходимларининг манфаатдор шахслар билан ахборот алмашиши Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ амалга оширилади.

5.2. Манфаатдор шахсларнинг ахборот тақдим этиш тўғрисида ёзма (электрон) талабига кўра масъул ижрочи этиб тайинланган Жамият Бошқаруви аъзоларидан бири ёки Жамият Кузатув кенгаши раиси номидан эркин ёзма шаклда тузилган зарур ахборотлар 10 кун ичида электрон шаклда тақдим этилади, махфий ва тижорат сирларига киритилган ахборотлар бундан мустасно. У ёки бу ахборот тақдим этилмаган ҳолатда тегишли сабаблар кўрсатилади.

5.3. Ҳужжатлар нусхаларини тақдим этиш зарур бўлган ҳолларда, манфаатдор шахс тўловни амалга оширади, унинг миқдори ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш қийматидан ошмаслиги лозим.

5.4. Манфаатдор шахсларнинг ёзма ёки электрон сўровлари, шу жумладан акциядорларнинг боғланиш маълумотлари ва банк реквизитларининг ўзгариши тўғрисидаги ахборотлар Жамиятнинг расмий

веб-сайтида кўрсатилган почта ёки электрон почта манзилларига юборилиши мумкин.

6. Жамиятнинг ахборот сиёсатига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш чоралари

6.1. Ижро органи конунчилик ва ушбу Низомга мувофиқ Жамият тўғрисида мажбурий равишда ошкор қилинадиган ахборотларни ўз вақтида эълон этиш учун жавобгар саналади.

6.2. Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ахборотларнинг ташкил этилиши, тўлиқлиги, ишонарлилиги ва ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгардир.

6.3. Жамиятнинг ваколатли бошқарув органи томонидан қарор қабул қилиниши натижаси ўлароқ ушбу Низомда кўрсатилган ахборотларни ошкор қилиш зарурати юзага келадиган бўлса, ушбу орган қарорни белгиланган тартибда расмийлаштиригандан сўнг дарҳол Жамият ижроия органига тақдим этишга ва конунчилик ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ қарор тўғрисидаги ахборотлар ошкор қилинишини таъминлашга мажбур ҳисобланади.

6.4. Жамиятнинг ахборот сиёсатига риоя этилиши устидан назорат Жамият Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

6.5. Жамиятнинг Ижроия органи ушбу Низом талабларини бажариш жараёни тўғрисида мунтазам равишда Жамият Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

6.6. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

7. Яқуний қоидалар

7.1. Ахборот сиёсати тўғрисидаги низом Жамиятнинг бошқарув, назорат органлари ва унинг ходимлари учун мажбурий саналади.

7.2. Ахборотни ўз вақтида, сифатли ва ишончли равишда ошкор этиш ижроия органининг фаолият самарадорлигини баҳолаш мезонларидан бири ҳисобланади.

7.3. Ушбу Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар Жамият Кузатув кенгашининг йиғилишда қатнашган аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарор асосида киритилади.

7.4. Ушбу Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Жамият томонидан интернет тармоғидаги корпоратив веб-сайтида Жамият бошқарув органининг тегишли қарор қабул қилинган йиғилиши баённомаси имзоланганидан кейин ўн кун ичида эълон қилинади.

7.5. Ушбу Низом жамият акциядорларининг умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.